

## ТОЛА ТОЗАЛАШ ҚУРИЛМАСИ.

*Наманган Тўқимачилик саноати институти  
Бекмирзев Ғолибжон Холмирза ўғли*

**Аннотация :** *Хозирги мавжуд қурилма кириш қисмидан кирган тола аррали барабан ёрдамида илиб олиниб, пичоқли колосникларга уриб, тола таркибидаги аралашмалардан тозалайди. Толани тозалаш самарадорлигини ошириш учун бир дона пичоқли колосник ўрнига козиқли барабан ўрнатилган. Козиқли барабан толани уриб тола таркибидаги аралашмаларни ажрალიшини яхшилайдди. Тозаланган тола чиқиш қисмидан чиқиб кейинги жараёнга узатилади. Қурилмани камчилиги шундан иборатки, у тола таркибидаги аралашмаларни етарли даражада ажратмайди, бунга сабаб толани яхши титилмаслигидир. Жараённи ўрганиш натижасида шу маълум бўлдики, тола таркибидаги турли аралашмалар актив ва ноактивларга ажралади. Ноактивларини активлаштириш учун уларни тола ички қисмидан ташки қисмига силжитиш лозим бўлади. Бунинг учун қурилма остига қозиқли титувчи барабан ўрнатилган. Қозиқлар толага салбий таъсир қилсада толани етарли даражада тита олмасилиги сабабли, тола таркибидаги аралашмалар микдори юқорилигича қолмокда. Хозирда тола тозалаш қурилмани такомиллаштириш орқали унинг тозалаш самарадорлигини ошириш имкониятлари ишлаб чиқилган.*

**Калит сўзлар:** *жин, тола, тола тозалагич, колосникли пичоқ, аралашмалар, нуқсонлар, ўлук, самарадорлик, унумдорлик.*

Янги пичоқли колосник тола уриладиган қисмига тешиклар очилиб, тешикларга хаво пуркагичлар ўрнатилган, хаво пуркагичлар махсус хаво хайдаш қурилмасига уланган, хаво катта босим остида толага пуркалади, аррали барабан остига планкали барабан ўрнатили, планкалар тола харакатига нисбатан кия бурчак остида ўрнатилди ва планкалар қаторлар бўйича баландлиги турлича ўлчамларда берилди.

Бунда толани илиб олган аррали барабан пичоқли колосникка толани олиб келиб уради, уриш натижасида тола таркибидаги аралашмалар ажралиб колосник остига келиб тушади, толани титилишини яхшилаш учун колосник учига тирқишлар очилиб, хаво пуркагичлар ўрнатилган, у толага хаво пуркаш оркали янада яхшироқ титади, хаво пуркаш мосламаси барча колосникларга ўрнатилган, бундан ташқари аррали барабан остидаги козиқли барабан ўрнига планкали барабан ўрнатилган бўлиб, планкалар тола харакатига нисбатан кия ўрнатилган, тола кия планкали барабан ёрдамида урилиб, таркибидаги аралашмаларни ажралиб чиқишини таъминлайди ва яхшилайдди. Кия планкали барабан тезлиги аррали барабан тезлигидан икки баравар катта бўлиб, толани бира тўла икки маротаба планкага урилишини таъминлайди. Тозаланган тола чиқиш қисмидан кейинги жараёнга узатилади. Толадан ажратиб олинган аралашмалар колосниклар остидаги ёд аралашма камерасига келиб ташқарига чиқариб юборилади.

### **Қурилманинг вазифаси:**

Тола таркибидаги йирик ва майда турли хил аралашмаларни ажратиш олиш.


### **Вазифанинг бажарилиши:**

Янги таклиф этилаётган толани ифлосликлардан тозалаш қурилмаси толани турли аралашмалардан тозалаш самардорлигини ошириш мақсадида, ҳар бир пичокли колосник учига тикишлар очилиб, ҳаво пуркаш мосламаси ўрнатилган, арра тишларидаги тола пичокли колосникларга урилиб, колосник учига маҳкамланган ҳаво пуркагич ёрдамида титилади, титилган толадан аралашмаларни ажратиш самардорлигини ошириш мақсадида аррали барабан остидаги козиқли барабан ўрнига кия планкали барабан ўрнатилган ва планкалар қаторлар буйича баландлиги турлича ўлчамларда берилиб, тола таркибидаги турли аралашмаларни ажратади ва толани тозалайди. Тозаланган ва яхшилаб титилган тола охириги ҳаво пуркагичли колосникка урилиб кейинги жараёнга узатилади.

Таклиф этилаётган тола тозалаш қурилмаси қўйидаги асосий элементлардан ташқил топган: 1-кириш қисми; 2-ҳаво пуркагичли колосник; 3-аррали барабан, 4-ҳаво пуркагич, 5-прокладка, 6-кия планкали барабан, 7-кия планка, 8-ёд аралашмалар чиқиш қисми, 9-тозаланган тола чиқиш қисми.

**Толани тозалаш қурилмаси.** Қурилманинг ишчи органлари ён томондан қўриниши (Фигура-1)да кўрсатилган: Тола тозалаш қурилмаси. 1-тола кириш қисми, 2-ҳаво пуркагичли колосник, 3-аррали барабан, 4-ҳаво пуркагич, 5-прокладка, 6-кия планкали барабан, 7-кия планка, 8-ёд аралашма чиқиш қисми, 9- тозаланган тола чиқиш қисми.

### **Қурилма тасвирланган чизмалар:**



Фигура-1. Тола тозалаш қурилмаси. 1-кириш қисми, 2-ҳаво пуркагичли пичокли колосник, 3-аррали барабан, 4-ҳаво

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. А.Хожиев, А.Дадажанов, А.Махкамов, “Пахта толасини тозалаш қурилмаси” патент № IAP 03889, 24.02.2009
2. А. Hojiev, A. Dadajanov, “Cleaning Cotton from Integrated Mixtures by Complex Harmonic Movement” 23.07.2023 Scopus AIP Conference Proceedings.